

УЙ ХЎЖАЛИКЛАРИ ДАРОМАДЛАРИГА СОЛИҚЛАР ТАЪСИРИНИНГ ТАҲЛИЛИ

Олтаев Ш.С. – СамИСИ доценти, и.ф.н.

Аннотация. Ушбу мақолада уй хўжаликлари даромадларининг шаклланиши ва уларга солиқ тизимининг таъсири илмий жиҳатдан таҳлил қилинган. Тадқиқотда уй хўжаликлари даромадлари таркиби, солиққа тортиш механизмларининг истеъмол, жамғарма ва инвестицион фаолликка таъсири ҳамда аҳоли даромадлари тенгсизлигини тартибга солишда солиқ сиёсатининг роли ёритилган. Шунингдек, даромад ва истеъмол солиқларининг самарадорлиги, капитал ва меҳнат даромадларига солиқ юкининг таъсири ҳамда уй хўжаликлари тасарруфидаги реал даромадни оширишга қаратилган солиқ ислохотларининг устувор йўналишлари асослаб берилган.

Калит сўзлар: уй хўжаликлари даромадлари, солиқ тизими, даромад солиғи, истеъмол солиғи, жамғарма нормаси, инвестициялар, солиқ ислохотлари, молиявий саводхонлик.

Кириш. Уй хўжаликлари даромадлари миллий иқтисодиётда муҳим макроиқтисодий кўрсаткич ҳисобланиб, аҳолининг истеъмол даражаси, жамғариш имкониятлари ва инвестицион фаоллигини белгилайди. Даромадлар ҳажми ва таркиби аҳолининг турмуш даражаси ҳамда иқтисодий ўсиш суръатларига бевосита таъсир кўрсатади. Шу сабабли уй хўжаликлари даромадларини шакллантирувчи омилларни, айниқса солиқ тизимининг таъсирини илмий жиҳатдан ўрганиш долзарб аҳамият касб этади.

Солиқлар нафақат давлат бюджети даромадларини шакллантириш воситаси, балки аҳоли даромадларини қайта тақсимлаш ва ижтимоий адолатни таъминлаш механизми сифатида ҳам намоён бўлади. Солиққа тортиш тизими орқали уй хўжаликларининг тасарруфида қоладиган реал даромад миқдори

ўзгариб, истеъмол, жамғарма ва инвестиция қарорларига таъсир кўрсатади. Шу нуқтаи назардан, даромад ва истеъмол солиқларининг уй хўжаликлари молиявий хулқ-атвориға таъсирини таҳлил қилиш муҳим илмий вазифалардан бири ҳисобланади.

Мазкур мақолада уй хўжаликлари даромадларига солиқ тизимининг таъсири, солиқ ислохотларининг аҳоли фаровонлигига таъсири ҳамда солиқ сиёсатини такомиллаштириш орқали уй хўжаликлари тасарруфидаги даромадни ошириш масалалари таҳлил қилинади.

Республикамизда уй хўжаликларининг даромади муҳим иқтисодий кўрсаткич ҳисобланади, чунки у уй хўжалигининг истеъмол кўламини ва унинг жамғарма ва инвестициялар нуқтаи назаридан келажакда кечиктирилишини белгилайди. Уй хўжаликлари даромадлари миқдориға кўплаб омиллар таъсир қилади ва бу омиллардан бири солиққа тортиш тизимидир.

Солиқларнинг нафақат аҳоли даромадлари учун, балки уларнинг даромадлар тенгсизлигини таъминлашда миллий иқтисодиёт учун муҳимлигини ҳисобга олган ҳолда, аҳоли даромадлари таркиби хусусан, солиқ солиш солиқ тизимининг аҳоли даромадлар шаклланишиға таъсирини баҳолаш муҳим ҳисобланади. Бунда уй хўжаликларининг пул даромадлари таркибини ўзгариши ва аҳоли даромадларини тартибға солиш мамлакатда амалға оширилган солиқ ислохотларида аҳоли даромадларини солиққа тортиш тизимини такомиллаштириш жумладан, самарали солиқ ставкалари жорий қилиниши билан белгиланади. Шу маънода, ҳар бир уй хўжалиги ижтимоий-иқтисодий категория сифатида ёки уларнинг умумийлиги, иқтисодиётда уй хўжалиги соҳасини ташкил этувчи, меҳнат бирликларининг юқори унумдорлиги, кенг кўламли истеъмол ва фаолият ҳажмининг ошиши туфайли камида учта йўналишда сезиларли иқтисодий ўсишға эгадир[1].

Фикримизча, бундай жараёнларда уй хўжалигининг тасарруфидаги даромад миқдори муҳим ўрин тутати. Чунки, шахсий истеъмолдаги товар ва хизматлар таркиби ҳамда миқдори, жамғарма нормаси ёки инвестицион фаоллиги кўп

жиҳатдан солиқлар тўлангандан кейинги аҳоли ихтиёридаги реал даромад суммасига бевосита боғлиқдир. Бу, бир томондан, мамлакатдаги ижтимоий-иқтисодий шароит ва хусусан, солиқ ва ижтимоий суғурта юкининг функциясидир. Ўз навбатида, иқтисодий сиёсатнинг қуйидаги бешта асосий масаласини муҳокамаси муҳим ҳисобланади: даромад солиғининг даромад тақсимотига таъсири, истеъмол ва даромадни солиққа тортишда табақалаштирилган солиқ ставкасини қўллаш, инсон ва жисмоний капитални солиққа тортиш, инфляциянинг иқтисодиётнинг капитал интенсивлигига таъсири ва жамғарма нормаси етарли даражадалиги ёки юқорилиги ҳақида мунозаралар[2].

Хусусий жамғарма нормаси солиқлардан тўлангандан кейинги реал даромад ставкасига сезгир бўлган иқтисодиётда ёки давлат секторининг даромад ҳисобига сармоя киритишга бўлган маржинал мойиллиги хусусий секторнинг хусусий даромад ҳисобига тежашга бўлган маржинал мойиллигидан фарқ қилади бу тахмин нотўғри. Чунки, даромад солиғи орқали бир вақтнинг ўзида аҳоли даромадини солиққа тортилгандан кейин капитал даромадини рентабеллик даражасини пасайтиради ва ресурсларни хусусий сектордан давлат секторига ўтказиши, миллий жамғариш нормаси ҳамда меҳнат ва капитал нисбатига таъсир ўтказиши. Фикримича, бунда даромад солиғининг ва истеъмол солиғининг табақалаштирилган қўлланилиши билан боғлиқ бўлган муҳим масала ҳисобланади. Аксарият иқтисодчилар даромаддан кўра истеъмолга солиқ солишда самарадорлик афзалликларини тан олишсада, истеъмол солиғига қарши умумий далил шундан иборатки, у регрессив ҳисобланади, чунки у солиқ базасидан фойзли даромадини чиқариб ташлайди. Бу таҳлил шу даражада

тўғри ҳисобланадики, чунки фойз даромади ҳақиқатан ҳам бойликка номутаносиб равишда ошади. Аниқ натижалар албатта, таққосланаётган иккита солиқнинг хусусиятларига боғлиқ. Биз жисмоний капиталга инвестицияларни бир зумда ҳисобдан чиқаришга йўл қўймаслигимиз сабабли (тадқиқот ва ишланмалар харажатларидан ташқари) эҳтимол даромадларни солиқ

тортишнинг амалдаги тартиби инсон капиталига даромад билан таққослаганда жисмоний капиталга солиқ солинганидан кейин фойда нормасини пасайтиради.

Умуман олганда, солиқларнинг уй хўжаликлари даромадларига таъсири истеъмол, жамғарма ва инвестициялар нуктаи назаридан шахсий имкониятлар ҳамда уй хўжалиги сектори миллий иқтисодиётнинг энг катта соф жамғарувчи сифатида мамлакатда иқтисодий фаолият учун муҳимлиги сабабли долзарб илмий ва амалий хусусиятга эга масала ҳисобланади.

Уй хўжаликларининг даромадлари турли манбалардан ташкил топади:

биринчидан, иш ҳақи ва бошқа меҳнатга ҳақ тўлаш;

иккинчидан, инвестиция фаолияти, шу жумладан шахсий мулк буюмлари олди-сотдиси даромад, рента, фоизлар, дивидендлар;

учинчидан, тадбиркорлик фаолияти;

тўртинчидан, давлат ижтимоий тўловлари;

бешинчидан, хорижда ишлаётган шахслардан кўчирмалар;

олтинчидан, бошқа даромадлар[3].

Уй хўжаликларининг пул тушумларини шакллантириш манбаларининг хилма-хиллиги уларни тўрт гуруҳга бўлиш имконини беради.

Жумладан, солиқ солиш мақсадларида қуйидагилар уй хўжаликларининг даромади таркибига қуйидагилардан иборат:

биринчидан, меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадлар;

иккинчидан, мулкӣ даромадлар;

учинчидан, моддий наф тарзидаги даромадлар;

тўртинчидан, бошқа даромадлар[4].

Қайд этиш жоизки, юқоридаги даромадларнинг салмоқли қисми тўлиқ хўжаликларнинг ихтиёрида қолмайди, балки тўланган солиқлар ва бошқа тўловлар миқдорига камайтиради. Шунини таъкидлаш керакки, уй хўжаликларининг даромад манбалари (пенсия, оилавий нафақа, ишсизлик нафақалари, ижтимоий нафақалар) ва юқорида кўрсатилган солиқдан озод қилинган даромадлар уй хўжаликлари бюджетининг даромад қисмини ташкил

этган ҳолда тўғридан-тўғри солиққа тортиш имконияти амалда мавжуд эмас.

Бугунги кунда халқаро стандартлари билан уйғунлаштиришга қаратилган солиқ тизимини такомиллаштириш ва оптималлаштиришга қуйидагилар энг муҳим ҳисобланади:

биринчидан, уй хўжаликлари даромадларига солиқ солишда солиққа тортилмайдиган минимумни ва прогрессив даражаларда юқори ва пастки чегараларни ошириш;

иккинчидан, уй хўжаликларини мулк компонентларини солиққа тортишни ўзгартириш, жумладан, кўчмас мулк ва транспорт воситаларига солиқларнинг ошириш;

учинчидан, даромадларни солиққа тортиш ислохотлари уй хўжаликлари жамғармасини оширишга қаратиш;

тўртинчидан, ижтимоий тўловларни нисбатини ишчининг суғурта маблағларини ҳисобга ошириш оқибатида уй хўжаликларининг тасарруфидаги даромадига салбий таъсирни камайтириш;

бешинчидан, капиталдан олинадиган солиқлар ва истеъмолга солиқлар ўртасидаги нисбатни оптималлаштириш;

олтинчидан, ипотека кредитлар ва узоқ муддатли истеъмолга мўлжалланган товарлар бўйича қарз тўловларига солиқ чегирмалари берилиши тартибини такомиллаштириш;

еттинчидан, уй хўжалиги секторининг даромадлари ва фаровонлигига самарали таъсир кўрсатадиган солиқ қонунчилигидаги ўзгаришларни амалга ошириш.

Ўз навбатида, солиқ таъсирининг юқорида кўрсатилган усулларини амалиётга татбиқ этиш уй хўжаликларининг молиявий саводхонлигининг юқори даражасини талаб қилади, улар солиқ имтиёзлари ва преференциялар орқали ихтиёрий даромадни оширишга ҳуқуқий таъсирнинг реал имкониятларини билиши керак. Бундан ташқари, энг кам ойлик иш ҳақидан ошмаган даромадлар бўйича солиқ имтиёзларини бекор қилиниши, вояга етмаган ҳар бир ёш болалар

учун мол-мулк солиғи ва ижара тўловлари учун солиқ чегирмаларини тақдим қилиниши ва болаликдан ногирон болаларни болани тарбиялаш харажатларини ҳисобга олган ҳолда ижтимоий мақсадга қаратилган самарали солиқ механизмини татбиқ қилиниши, жисмоний шахсларнинг нафақат депозитлар, балки омонатлар бўйича олган фоиз даромадларининг ялпи суммасини ўз ичига олган фоизли даромад солиғи бўйича солиқ солинадиган базани кенгайтириш, тегишли шартлар ва алоҳида ҳолларда давлат ёки муниципалитетлар томонидан чиқарилган облигациялар ёки бошқа қарз қимматли қоғозлари бўйича фоиз солиғидан озод қилиш, солиқлар ва йиғимлар қонунчилигида электромобиллар, электромотоцикллар ва электр транспорт воситалари ҳамда маиший чиқиндилар учун тўловларни аниқлашнинг самарали механизмини жорий этиш, ходимлардан мажбурий ижтимоий таъминот бадаллари, баъзи иш билан боғлиқ бўлмаган муносабатлар ва ўз-ўзини иш билан банд қилган уй хўжаликларининг тасаруфидаги даромадларига таъсирини камайтириш.

Шу ўринда, таъкидлаб ўтиш лозимки, жисмоний шахсларнинг солиқ мажбуриятларини камайтиришнинг мавжуд имкониятларини ҳисобга олган ҳолда, ўз даромадларини (тегишли бўлган уй хўжаликларининг даромадларини) шакллантириш ва солиққа тортиш тартибини тўлиқ тушуниб етиши, хусусий молияни бошқаришнинг муҳим жиҳати ва самарали бошқаришнинг зарурий шarti сифатида белгиланган.

Тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики, солиқ тизими уй хўжаликлари даромадларининг шаклланиши ва тақсимланишида ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Даромад солиғи ва истеъмол солиқларининг қўлланилиши уй хўжаликларининг реал даромадига, жамғарма нормасига ва инвестицион фаоллигига бевосита таъсир кўрсатади. Айниқса, солиқ тўловларидан кейин уй хўжаликлари ихтиёрида қоладиган даромад миқдори истеъмол ҳажмини белгилашда асосий омил ҳисобланади.

Шу билан бирга, солиқ юкининг нотўғри тақсимланиши даромадлар тенгсизлигининг кучайишига олиб келиши мумкин. Тадқиқотда келтирилган

таҳлиллар даромад ва истеъмол солиқларининг уйғун қўлланилиши, солиқ ставкаларининг табақалаштирилиши ҳамда солиқ имтиёзларининг мақсадли йўналтирилиши уй хўжаликлари фаровонлигини оширишда муҳим аҳамият касб этишини кўрсатади.

Тадқиқот натижаларидан келиб чиққан ҳолда уй хўжаликлари даромадларига солиқ тизимининг таъсирини самарали тарзда тартибга солиш мақсадида қуйидаги тавсиялар ишлаб чиқилди:

Биринчидан, уй хўжаликлари даромадларига солиқ солишда солиққа тортилмайдиган минимумни ошириш ва прогрессив солиқ ставкаларини такомиллаштириш мақсадга мувофиқ.

Иккинчидан, даромад ва истеъмол солиқлари ўртасидаги нисбатни оптималлаштириш орқали уй хўжаликларининг жамғарма ва инвестицион фаоллигини рағбатлантириш зарур.

Учинчидан, солиқ имтиёзлари ва чегирмаларини ижтимоий йўналтирилган тарзда қўллаш, хусусан, болали оилалар ва кам даромадли уй хўжаликларини қўллаб-қувватлаш механизмларини кучайтириш лозим.

Тўртинчидан, уй хўжаликларининг молиявий саводхонлигини ошириш орқали солиқ тизимининг имкониятларидан самарали фойдаланиш ва тасарруфдаги реал даромадни кўпайтиришга эришиш мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Callaghan, G. & Fribbance, I. 2007. Personal Finance, Palgrave Macmillan, 47-87.
2. Boskin, M. J. 1978. Taxation, Saving and the Rate of Interest. Journal of Political Economy, 86(2), r.3. <http://dx.doi.org/10.1086/260692>.
3. Radulova, A. 2015. Personal finances. Faber, V. Tarnovo, 20-25.; Rosefsky, R. S. 1999. Personal Finance (7th ed.). John Wiley and Sons Inc., 617-636. Radulova, 2011, pp. 59-64; Rosefsky, 1999, pp. 617-636.
4. O'zbekiston Respublikasining Soliq kodeksi (yangi tahriri). <https://lex.uz/docs/4674902>.

5. Shavkat Oltaev. (2024). The need to form the state investment strategy. Innovative Development in Educational Activities, 3(6), 25–30. <https://doi.org/10.5281/zenodo.10899979>
6. Shavkat Oltaev. (2024). Issues of attracting foreign investments to the special economic zones of the country. Innovative Development in Educational Activities, 3(6), 31–36. <https://doi.org/10.5281/zenodo.10899983>
7. Shavkat Oltaev. (2024). The role of the economic sector in society. Eurasian Scientific Herald, 30, 55–58. Retrieved from <https://geniusjournals.org/index.php/esh/article/view/5815>
8. Shavkat Oltaev. (2024). Purposeful formation of the high quality of providing economic growth in the country. Web of Teachers: Inderscience Research, 2(3), 273–280. Retrieved from <https://webofjournals.com/index.php/1/article/view/1047>